

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙДАРОВ МАВЛОНЖОН МАШРАБОВИЧ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ШИМОЛИДАГИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИ
КИМЁВИЙ ВА БИОГЕОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.13 – Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on biological
sciences**

| | |
|--|----|
| Ҳайдаров Мавлонжон Машрабович Фарғона водийсининг шимолидаги бўз тупроқларини кимёвий ва биогеокимёвий хусусиятлари..... | 3 |
| Хайдаров Мавлонжон Машрабович Химические и биогеохимические особенности сероземов севера Ферганской долины..... | 21 |
| Khaydarov Mavlonjon Mashrabovich Chemical and biogeochemical characteristics of sierozems of the northern Fergana valley..... | 39 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works..... | 43 |

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙДАРОВ МАВЛОНЖОН МАШРАБОВИЧ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ШИМОЛИДАГИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИ
КИМЁВИЙ ВА БИОГЕОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.13 – Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/В422 ракам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида: (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Гулом

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жаббаров Зафаржон Абдукаримович

биология фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Раунова Нодира Бахромовна

биология фанлари доктори, доцент
Тошкент давлат аграр университети

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.В.05.03 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» 08 соат 11⁰⁰ даги онлайн мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй). Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (110 -раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел (+99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 08 кuni таркатилди.
(2021 йил «17» 08 даги № 1 -ракамли реестр баённомаси)



В.Ю.Исаков

Илмий даража берувчи илмий кенгаш мажлиси
раиси, б.ф.д., профессор

У.Б.Мирзаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
б.ф.н., доцент

М.Т.Исагалiev

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. «ФАО маълумотларига кўра, Ер шарида 1,5 млрд. га ерда дехқончилик қилиш мумкин. Қуруқ иқлимли субтропик зоналарнинг нейтрал ва кучсиз ишқорий ерлари 8177,1 минг га ёки қуруқликнинг 5,46% ни ташкил қилади. Дунё ер фондининг 14,5 млн. км² ёки 11% ишлаб чиқариш учун маъқул бўлиб, охириги 50 йилда суғориладиган ерлар майдони деярли 12% ўсди, натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2,5-3 баробарга ўсди»¹. Шундан келиб чиқиб, суғориладиган ва кўриқ нейтрал, кучсиз ишқорий бўз тупроқларни унумдорлигини экологик ва энергетик ҳолатларини тупроқ эволюциясини эътиборга олган ҳолда яхшилашнинг назарий томонларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда тупроқшуносликнинг долзарб муаммолари бўлган суғориладиган ва кўриқ тупроқларнинг тупроқ-экологик ҳолати, дегумификацияси, гумуслилик ҳолати ва энергияси каби илмий изланишлар алоҳида эътиборга молик. Шу боис, тупроқ унумдорлигини оширишни рақобатбардош ва ресурстежамкор технологияларини яратишни аҳамияти ортиб бормоқда. Бу ўринда, тупроқларни потенциал унумдорлигини белгиловчи катталиклари саналадиган гумусни миқдори, таркиби ва захираси, сингдирилган катионларнинг оптимал миқдорлари, ўсимлик озуқа моддалари, тупроқ эркин аминокислоталарининг энергетик ҳолати ҳамда бошқаларни вақт ва масофада ўзгариши юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кўриқ, лалми ва суғориладиган тупроқларни унумдорлигини тиклаш, сақлаш, тупроқ жараёнларини яхшилаш борасида кенг миқёсда назарий ва амалий тадқиқотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, республикамизда тупроқларнинг хосса хусусиятларини аниқлаш, эркин аминокислоталар миқдори, таркиби, энергетик ҳолати ва бошқаларни тадқиқ этиш ҳамда ушбу тупроқ унумдорлигини сақлашга, буғдой ҳосилдорлигини оширишга қаратилган замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ 5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш

¹ Studref, com/37461; <https://www.fao.org/soils/soil/soil.degradation>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»

борасидаги назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш тадбирлари» тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ 4947-сон фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологияларни ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва биогеокимёвий, унумдорлигини ошириш муаммолари бўйича Ўзбекистонда ва чет мамлакатларда кенг миқёсли тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбекистон ва чет эл регионларида бўз тупроқларни морфологик тузилиши, географик тарқалиши, агрофизик ва агрокимёвий хоссалари, энергетик ҳолатлари Розанов Б.Г., Алиев С.А., Гришина Л.А., Алиева М.М., Аранбаев М.П., Бирюкова О.Н., Орлов Д.С., Безуглова О.С., Волобуев В.Р., Меркушева М.Г. Chang M.Y., D'Mellio J.P, Rodriguez F.S., SokolovaГ.А., ва мамлакатимизда Рыжов С.Н., Сатторов Ж.С., Рискиева Х.Т., Абдуллаев А.Х., Қузиёв Р.К., Кимберг Н.В., Гофурова Л.А., Тошқўзиёв М.М., Шодиева Н.И., Раупова Н.Б., Раимбаева Г.Ш., Зиямухамедов И.А. ва бошқалар томонидан ўрганилган. Лекин Фарғона водийсининг шимолий қисмидаги кўрик, суғориладиган бўз тупроқларини замонавий агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари, хусусан, биогеокимёвий ва энергетик ҳолатлари, унумдорлигини ошириш йўллари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-7-455 «Фарғона вилояти суғориладиган тупроқларини шаклланишининг генетик-географик қонуниятлари, Ер фонди ва диагностикаси» (2015-2020 йй.) ва «Фарғона водий суғориладиган тупроқларини унумдорлигини ошириш» (2015-2020 йй.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шимолий бўз тупроқларининг морфологик, агрофизик, агрокимёвий ва биогеокимёвий хусусиятларини, гумус миқдори ва гумусли ҳолати ҳамда эркин тупроқ аминокислоталарини, уларни энергетик ҳолатларини аниқлаш билан бирга тупроқ унумдорлигини оширишга йўналтирилган илмий-амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Шимолий Фарғонанинг кўрик ва суғориладиган бўз тупроқларининг морфогенетик хусусиятларини ўрганиш; антропогенез таъсирида бўз тупроқлар типчаларини агрофизик, агрокимёвий ва биогеокимёвий хусусиятларини ўзгаришини изоҳлаш;

бўз тупроқларнинг гумус миқдори, гуруҳли таркиби, гумусли ҳолати, энергетик ҳолатлари, сингдириш сифими, сингдирилган катионлар таркибидаги ўзгаришларни таҳлил этиш;

тупроқ эркин аминокислоталари миқдорлари ва таркибини аниқлаш ҳамда энергетик ҳолатларини баҳолаш;

эркин тупроқ аминокислоталари ва гумуснинг корреляцион боғлиқликни исботлаш;

тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва буғдой ҳосилдорлигини оширишга қаратилган, тупроқни аминокислоталар билан бойитиш агротехнологиясини қўллашни жорий қилиш илмий-амалий ечимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийси шимолида шаклланган кўриқ ва суғориладиган оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини тупроқларнинг агрокимёвий, физик-кимёвий, биогеокимёвий хоссалари, гумус ва унинг гуруҳли таркиби ҳамда энергияси, аминокислоталар миқдори, таркиби, энергетик ҳолатлари, аминокислоталар таъсирида етиштириладиган буғдой ҳосилдорлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тадқиқотлари Докучаевнинг генетик-географик, профил-геокимёвий, морфогенетик ва стационар усуллари бўйича олиб борилди. Гумус И.В.Тюрин, ялпи азот, фосфор, калий Мальцева, Гриценко усулларида, тупроқ эркин аминокислоталари Д.Г.Звягинцев методи асосида бажарилган. Олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили дисперсия усули билан (Ш.Каримов, Г.Юлдашев ҳамда Самсонова) «Microsoft Excel» дастури ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқ тусли, типик ва оч тусли бўз тупроқларнинг морфогенетик тузилишидаги ўзгаришларига, энергетик ҳолатига боғлиқ равишда антропоген омиллар таъсирида агрокимёвий, агрофизикавий, биогеокимёвий хоссалари ўзгариши исботланган;

бўз тупроқларнинг маданийлашганлигига боғлиқ равишда уларнинг гумусли ва энергетик ҳолатлари, гумусининг гуруҳли таркиби, эркин аминокислоталарининг миқдорлари ва энергетик ҳолатлари ҳамда элемент таркибининг табақаланиши исботланган;

бўз тупроқларда эркин аминокислоталар ва гумуснинг жуфт корреляцияси ижобий эканлиги исботланган ҳамда аминокислоталарнинг энергиясини ҳисоблашга доир замонавий дастур асосида ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

кузги буғдой ҳосилдорлигини ва суғориладиган бўз тупроқларни унумдорлигини оширишга қаратилган аминокислоталар билан ишлов бериш усуллари илмий-амалий ечими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тупроқ қопламида кечаётган эволюция таъсири натижасида суғориладиган бўз тупроқларни ўзгариши, йўналиши ҳамда уларнинг

унумдорлик ҳолатидан келиб чиқиб, буғдой ҳосилдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

суғориладиган бўз тупроқларда буғдойни ўсув фазаларида аминок комплекслар орқали ишлов бериб кузги буғдойдан қўшимча 7,1 центнергача дон ҳосили олинган;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқ профилида айрим эркин аминокислоталар тақчилигини олдини олиш агротехнологияси ишлаб чиқилган;

«Solo гумат калия жидкий торфяной+amino complex»нинг бўз тупроқлар хоссаларига ва дон сифатига салбий таъсир этмаслиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги етарли далиллар, нашр этилган янги тадқиқот усуллари, кимёвий аналитик ва бошқа методлар тўплами ҳамда компьютерларда статистик маълумотларни қайта ишлаш, тадқиқот натижаларини миллий ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва Республика илмий журналлари даврий нашрларида нашр этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудуддаги кўриқ ва суғориладиган бўз тупроқларнинг генетик қатламларини агрокимёвий ҳолати, физик-кимёвий хоссалари тавсифи, гумуслилик даражаси, гумуснинг энергетик ҳолатлари ҳамда эркин тупроқ аминокислоталари таркиби, миқдорлари, энергетик ҳолатлари, аминок комплекслардан дончиликда фойдаланишнинг илмий асосланганлиги ва тупроқларда содир бўлаётган кимёвий, биогеохимёвий жараёнларни ифодалаб берилганлиги, ресурстежамкор агротехнологияларни қўллашни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган бўз тупроқларда аминок комплекслардан фойдаланиш орқали унумдорликни сақлаш ва яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар билан бирга буғдой ҳосилдорлигини оширишга қаратилган ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқилганлиги экинлардан сифатли ва мўл ҳосил олишда ҳамда ерлардан самарали фойдаланишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийсининг шимолидаги бўз тупроқларини физик-кимёвий ҳолати, биогеохимёвий хоссалари, унумдорлигини яхшилаш, буғдой ҳосилдорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

тупроқ қатламларидаги аминокислоталарнинг сифат ва миқдор ҳамда энергетик жиҳатдан бир-биридан фарқланиши, тупроқ қатламларида айрим муҳим аминокислоталарни йўқлиги аниқланганлигининг туфайли ўсимликларни аминокислоталар билан барг орқали озиклантириш агротехнологияси Наманган вилояти Косонсой туманида 38 га майдонда, Фарғона вилояти Олтиариқ туманида 28 га майдонда, Фарғона давлат университети агроучасткасида 2,5 га майдонда жорий этилган (Ўзбекистон

Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 16 мартдаги №021025-929 сонли маълумотномаси). Натижада, тупроқларнинг агрокимёвий, биогеоқимёвий хоссалари яхшиланиши билан бирга салбий таъсир кузатилмади, бўғдой ҳосилдорлигини ошириш имконини берган;

суғориладиган бўз тупроқли шароитда бўғдойни парваришlashда, уни табиат инжиқликларига чидамлилигини оширишда «Solo гумат калия жидкий торфяной+amino complex»дан 1,5 л/га меъёрда эрта баҳорда майсалар устига 2 мартаба 7 кун оралатиб 500 л сувда эритиб сепиш агротехнологияси “Косонсой Зар чорвадори” ва “Таваккал Жўрабек Мирзообод” фермер хўжаликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 16 мартдаги №021025-929 сонли маълумотномаси). Натижада ҳосил миқдори 47,4-61,0 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 3,7-7,1 ц/га қўшимча дон олиш ҳамда 8-13% рентабиликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 6 та Республика ҳамда 3 та халқаро илмий амалий анжуманларда маъруза қилинган, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тупроқ аминокислоталарининг ўрганилганлик даражаси ва бўз тупроқларнинг гумусли ҳолати**» номли биринчи боби бўлиб, тупроқ аминокислоталари ва уларнинг миқдори, сифати географик тарқалиши, тупроқ профилида тақсимланиши ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишдаги ролига ҳамда тупроқ аминокислоталарни гумус миқдори ва гуруҳлари тупроқнинг гумусли ҳолатини тупроқ типи ва типчаларига суғорилганлик даражасига боғлиқлигига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шу билан бирга мақсад ва

вазифаларга боғлиқ равишда аминокислоталар ва гумус, гумус кислоталари энергиясига доир сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Худуднинг табиий шароитлари, объекти ва тадқиқот услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган худуднинг географик ўрни, иқлими, геология гидрогеологияси, литология ва геоморфологияси, ўсимликлар қоплами, рельефи, тупроқ ҳосил қилувчи жинслари ва инсон фаолияти таъсирида ўзгариши келтирилган. Тадқиқот объекти тариқасида бўз тупроқлар камарининг ҳар хил тупроқ иқлими шароитларида шаклланган кўриқ ва суғориладиган оч тусли бўз, типик ва тўқ тусли бўз тупроқлари танланган. Илмий-тадқиқотлар дала ва камерал ҳамда лаборатория шароитларида тупроқшуносликда қабул қилинган стандарт усуллар асосида ўтказилган. Тадқиқотларда генетик, географик, тарихий-солиштирма, кимёвий аналитик усуллар қўлланилган.

Диссертациянинг «**Тупроқларнинг морфологик, агрокимёвий ва агрофизикавий тавсифи**» деб номланган учинчи бобида антропоген омиллар таъсирида тадқиқот худудининг бўз тўпроқлари типчаларини ўзгаришига доир тафсилотлар тупроқ-географик ва лаборатория таҳлиллари натижалари асосида баён этилган. Худудда шаклланган кўриқ ва суғориладиган тўқ тусли, типик, оч тусли бўз тупроқларни морфологик ва агрофизикавий хусусиятлари келтирилган. Фарғона водийси худудида тўқ тусли бўз тупроқлар 42,7 минг га, типик 246,2 минг га, оч тусли бўз тупроқлар эса 336,2 минг гектарни ташкил қилади. Тўқ тусли бўз тупроқлардаги кесмалар Турбаза худудига, типик бўз тупроқлардаги кесмалар Янгикўрғон-Косонсой адирларига тўғри келади. Тўрламчи давр лёсслар устида шаклланган, қолган кесмалар, яъни оч тусли бўз тупроқлар яна ҳам пастроқда жойлашган.

Бўз тупроқларнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссалари. Бўз тупроқларни барча типчалари амалий жиҳатдан енгил механик таркибли бўлиб, уларнинг чимли қатламларида физик лойқа миқдори 21,6-28,1% атрофида бўлиб, энг юқори миқдорлар тўқ тусли бўз тупроқларга тўғри келади. Ўрганилган суғориладиган бўз тупроқлар воҳа тупроқ ҳосил бўлиш жараёнини бошланғич поғонасида турибди. Уларнинг хайдов қатламларида физик лойқа 28-30% атрофида кейинги куйи қатламларда <0,001 мм заррачалар миқдори 33-38% атрофида тебранади. Бу кўрсаткичларга кўра енгил кумоқ тупроқларга киради. Механик таркибга мос равишда ушбу тупроқларни ҳажм ва солиштирма массалари ўзгаради. Тўқ тусли, типик ва оч тусли бўз тупроқларининг устки қатламларида гумус миқдори мос равишда 1,5-4,01%, 0,65-2,78% ва 0,35-1,37% ларда тебранади.

Суғориш таъсиридаги гумификация жараёни табиий кўриқ ҳолатга нисбатан фарқ қилади. Жадал деҳқончилик шароитида деҳқончилик даражаси гумус миқдори ва унинг ўзгаришида ўз аксини топади. Суғорма деҳқончилиқни бошланғич даврларида гумус миқдори тупроқни устки қатламларида камаяди. Кўриқ ва суғориладиган тупроқларнинг 0-100 см қатламида гумуснинг умумий захираси ҳисобланганда қизиқарли маълумотларга тўқнашилди. Чунончи, кўпчилик адабиётларда бўз

тупроқларда суғориш таъсирида гумус камаяди деб ёзилган. Бу ҳолатни бизнинг мисолимизда кўрамиз. Нисбатан сергумусли бўлган кўриқ тўқ тусли бўз тупроқларни 0-100 см қатламида суғоришлар бошлангунга қадар умумий гумус миқдори 160 т/га бўлиб, 30 йил давомида суғорма деҳқончилик таъсирдан кейин 144,8 т/га ни ташкил қилган, яъни 15,2 т/га ёки 10% га гумус камайган. Суғориладиган типик бўз тупроқларда умумий гумус 0-100 см қатламда 102,6 т/га бўлган, узоқ вақт, яъни 50 йилдан ортиқ суғорилгандан кейин 115,2 т/га бўлган. Оч тусли бўз тупроқларда бу фарк кичикроқ, яъни кўриқ тупроқларда гумус миқдори 52,88 т/га бўлган тақдирда, 55 йилдан кўп вақт давомида суғорилганда 88,62 т/га ни ташкил қилган. Типик бўз тупроқларда суғорма деҳқончилик таъсирида гумус миқдори дастлабки ҳолатга нисбатан 12% ни ташкил қилган ҳолда оч тусли бўз тупроқларда 67% ни ташкил қилади. Демак, дастлабки ҳолатдаги гумус миқдори қанча кўп бўлса, суғоришлар таъсирида гумус миқдори шунча кўп камаяди. Гумус миқдори қанча кам бўлса, суғорма деҳқончилик таъсирида гумус шунча кўпаяди, яъни суғорма деҳқончилик самарасида гумус миқдорининг ортиши унинг дастлабки миқдорининг камлигига боғлиқ, яъни пропорционал.

Бўз тупроқларда сингдирилган асослар таркиби ва хусусиятлари. Тадқиқотга тортилган тупроқларнинг сингдирилган катионлар таркибида кальций етакчилик қилади. Тўқ тусли бўз тупроқларнинг устки, яъни чимли қатламларида сингдирилган катионлар йиғиндиси 15,33, типик бўз тупроқларнинг ушбу қатламларида 12,18, оч тусли бўз тупроқларда эса 8,93 мг·экв ни ташкил қилади, шундай қилиб, тўқ тусли бўз тупроқлардан оч тусли томон сингдирилган катионлар суммаси камаяди. Бунга асосий сабаб ушбу тупроқлардаги гумус миқдорини шу йўналишда камайиши ҳисобланади. Сингдирилган кальций миқдорини камайиши билан бир қаторда сингдирилган магнийни ортиши кузатилади. Ушбу ҳолат қуйи қатламларда жадаллашади. Сингдирилган калий ва натрийлар миқдорида жиддий ўзгаришлар кузатилмади. Ушбу тупроқлар шўртобланмаган, чунки улар таркибида сингдирилган натрий улуши 2,9% гача ортиб боради ҳолос. Суғоришлар қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш учун қўлланилган агротехникалар, ўғитлаш сингдирилган катионларни камайиши билан бирга секинлик билан кальцийнинг камайишига, магнийнинг эса ортишига олиб келди.

Диссертациянинг «**Тупроқларнинг биогеохимёвий ва энергетик тавсифи**» номли тўртинчи бобида кўриқ бўз тупроқларда гумуснинг гуруҳли таркибини ўзгариши ифодаланган (1-жадвал). Унга кўра кўриқ бўз тупроқларда умумий углерод миқдори 0,1-2,32% ни ташкил қилади. Кутилганидек, максимал миқдорда кўриқ тўқ тусли бўз, минимал кўрсаткичлар эса оч тусли бўз тупроқларга тўғри келади. Кўриқ типик бўз тупроқлар бу борада оралиқ ҳолатни ташкил қилади. Умумий углерод миқдорида боғлиқ равишда ушбу тупроқларда $C_{ГК}$ ва $C_{ФК}$ ҳамда уларнинг нисбатлари, гумификация даражалари шаклланади. Максимал гумификация даражаси тўқ тусли бўз тупроқларни чимли ва чим остки қатламлари

тавсифланади. Шунга ўхшаш ҳолат нисбатан кучсизроқ даражада типик ва оч тусли бўз тупроқларида такрорланади.

1-жадвал.

Кўрик бўз тупроқлардаги гумуснинг гуруҳли таркиби

| Чуқурлиги, см | % | | | | | $\frac{C_{ГК}}{C_{ФК}}$ | $\frac{C_{ГК} \cdot 100}{\text{Сумум}}$ | Гидролиз- ланмайдиган қисм |
|----------------------|--------------------|----------------------------|----------|----------|----------------------------|-------------------------|---|----------------------------------|
| | $C_{\text{сумум}}$ | $C_{ГК \text{ УМ}}$ дан | $C_{ГК}$ | $C_{ФК}$ | $C_{ФК \text{ УМ}}$ дан | | | |
| Тўқ тусли (кесма 1х) | | | | | | | | |
| 0-7 | 2,32 | 22,0 | 0,51 | 0,49 | 21,1 | 1,04 | 22,0 | 56,9 |
| 7-17 | 1,67 | 18,6 | 0,31 | 0,30 | 17,9 | 1,03 | 18,6 | 63,5 |
| 17-43 | 0,92 | 14,1 | 0,13 | 0,14 | 15,2 | 0,92 | 14,1 | 70,7 |
| Типик бўз (кесма 3х) | | | | | | | | |
| 0-16 | 1,61 | 14,9 | 0,24 | 0,26 | 16,1 | 0,92 | 14,9 | 69,0 |
| 16-23 | 0,76 | 11,8 | 0,09 | 0,10 | 13,1 | 0,90 | 11,8 | 75,1 |
| 23-70 | 0,38 | 7,9 | 0,03 | 0,04 | 10,5 | 0,75 | 7,9 | 81,6 |
| Оч тусли (кесма 5х) | | | | | | | | |
| 0-5 | 0,79 | 12,6 | 0,10 | 0,13 | 16,4 | 0,76 | 12,7 | 71,0 |
| 5-27 | 0,53 | 9,4 | 0,05 | 0,06 | 11,3 | 0,83 | 9,4 | 79,3 |
| 27-43 | 0,21 | 9,5 | 0,02 | 0,02 | 9,5 | 1,0 | 9,5 | 81,0 |

Гумус, органик углерод ва ГК, ФК ларнинг тупроқ профили бўйича дифференциацияси ушбу тупроқлар учун типик ҳолатда баҳоланади (2-жадвал).

2-жадвал.

Кўрик бўз тупроқларнинг гумусли ҳолати

| Кўрсаткичлар ва ўлчов бирликлар | Типчалар | | |
|--|-----------------------------|-----------------------------|--------------------------------------|
| | Оч тусли | Типик | Тўқ тусли |
| Гумусли қатламда гумус миқдори, % | 0,21-0,79 | 0,38-1,61 | 0,92-2,32 |
| Бир метрли қатламда профил бўйлаб таксимланиши | Секин камаювчи | Кескин камаювчи | Кескин камаювчи |
| Гумусни азот билан тўйинганлиги, C:N | Юқори 7,0-7,9 | Юқори 7,4-9,8 | Юқори 5-8,1 |
| Гумификация даражаси $C_{ГК}:C_{ФК} \cdot 100$ | Кучсиз 9,4-12,7 | Кучсиз 7,9-14,9 | Кучсиз ва ўртача 10,4-14, 18,6-22 |
| Гумус типи, $C_{ГК}:C_{ФК}$ | Гумат-фульватли 0,76-1,0 | Гумат-фульватли 0,75-1,0 | Гумат-фульватли 1,03-1,04 |

Ушбу тупроқларда $C_{ГК}:C_{ФК}$ каби нисбатлар қонуният каби оч туслидан тўқ туслигача ортиб боради. Бўз тупроқлар асослар билан тўйинган, биологик фаоллиги юқори шу боис гуматли типдаги гумус шаклланади. Бўз тупроқларда гумусни профил бўйича тарқалишини ушбу тупроқлар учун типик деб секинлик билан камаювчи эндоморф ҳолатлар кузатилади. Орлов ва бошқалар (2005) таснифига кўра 0-20 см тупроқ қатламида гумус миқдори 200 т/га дан ошса, гумусли даражаси жуда юқори ҳисобланади. Бўз тупроқларда бундай ҳолат кузатилмади ва уларни гумус бўйича паст захираси гуруҳ (26-28,5 т/га) деб баҳолаш мумкин.

Бу ҳолат тупроқ қатламларидаги гумус миқдори билан изоҳланади, уларнинг миқдори эса аксарият 2% дан, айрим ҳолатларда 2,4% дан кам, бу эса ушбу тупроқларни гумус бўйича таъминланганлиги кам ва жуда кам эканлигидан далолат. Профил бўйича гумусни азот билан тўйинганлиги ҳам бир хилда эмас, яъни қуйи қатламлар томон (C:N) нисбати камайиб боради, демак, ушбу қатламларда гумус азот билан нисбатан бойийди, шунга мос равишда гумификация даражаси ортиб боради. Кутилганидек C:N нисбатини энг юқори даражаси оналик жинсларга тўғри келади. Бу кўрсаткичлар ва тупроқни гумусли ҳолатини кўрсаткичлари қўриқ бўз тупроқларни қамраб олади. $C_{гк}:C_{фк}$ 0,75-1,04 бўлган оч тусли ва типик бўз тупроқларда гумус типичумат-фульватли. Қўриқ бўз тупроқлари гумус ва азот захиралари, гумуснинг гуруҳли таркибига кўра ўзаро яққол фарқли баҳоланади ва гумус ҳосил бўлишининг бўз тупроқларга хос зоналигини ифодалайди. Оч тусли бўз тупроқлардан тўқ тусли бўз тупроқлар томон гумус ва азот захиралари ортиб боради, гумин кислоталари миқдорлари ортиб боради, гумин кислоталари углеродини фульвокислоталар углеродига нисбати ҳам кенгайиб боради. Қўриқ бўз тупроқлар зонасида гумус ҳосил бўлишини гумат-фульватли, фульват-гуматли типичарактерли.

Суғориладиган бўз тупроқларда типчалар ва қатлам чуқурликларидан қатъий назар, умумий углерод миқдори 0,18-1,2% атрофида тебранади, шу билан бирга нисбатан юқори концентрациялар устки қатламларга тўғри келади. Бу ҳолат яққол тўқ тусли бўз ва типич бўз тупроқларда намоён бўлади. Азотга тўйинганлик ўрганилган суғориладиган тупроқларда устки қатламлардан қуйи томон ортиб боради. Азотга типич бўз тупроқларнинг қуйи қатламлари нисбатан бойроқ. Умуман C:N нисбати суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларда 5,9-8,1, типич бўзда 7,4-9,8, оч тусли бўз тупроқларда 7,2-7,9. Гумус типичумат-фульватли, фульватли, гумификация даражаси тўқ тусли бўз тупроқларда 1,68-14,05, типичда 1,19-13,45, оч тусли бўз тупроқларда 2,1-11,72 ни ташкил қилади. Гидролизланмайдиган қолдиқлар миқдори умуман 59,1-88,1% оралиғида тебранади. Ушбу тупроқларда умумий ҳолатда гумификация жараёни кучсиз кечади. Гумус миқдори паст даражада баҳоланади. Профил бўйлаб тақсимланганлиги камайиб борувчи, лекин азотга бойиш даражаси юқори ҳисобланади.

Гумуснинг энергетик потенциали. Тупроқ энергияси кимёвий элементлар уларни органиген ва минералоген кўринишларини радиал ва латерал йўналишлардаги дифференциясини белгилайди. Ушбу энергия таъсирида гумификация ва минерализация жараёнлари ўтади, унинг натижасида тупроқ ҳосил бўлиш жараёни ва қатламларни шаклланиши юз беради. Бунинг ҳаммаси биргаликда алоҳида физикавий, кимёвий ва биогеокимёвий тизимни ташкил қилади. Тупроқ гумуси таркибида катта миқдорда энергия жамланади. Тўқ тусли бўз тупроқларни 0-7 см қатламида гумус 4,01%, ҳажм масса эса 1,24 г/см³, бўлганда захира энергия 18,0 ккал/г, 7-17 см даги гумус энергияси 18,9 ккал/г. Шунинг унутмаслик керакки, потенциал энергия захираси фақат гумус миқдорига эмас, балки унинг захирасига боғлиқ. Жумладан, қўриқ тупроқларда энг юқори энергия

захираси 17-43 см ларга тўғри келади ва 31,6 ккал/г ни ташкил қилади. Кутилганидек, гумуснинг энг кам миқдорлари ва шунга мос равишдаги потенциал энергия ушбу тупроқларнинг оналик жинсларига тўғри келади.

Қўриқ бўз тупроқларининг гумусидаги захира энергия 2,9-7,14 ккал/г га тенг бўлиб, оналик жинсларини характерлайди. Суғориладиган тупроқларда бу кўрсаткич 1,7-7,9 ккал/г ни ташкил қилади. Гумус миқдорининг ушбу тупроқларда ўзгариши қўриқ ва суғориладиган гуруҳларда гумус ва тупроқ энергиясининг камайишига олиб келади. Суғоришлар тўқ тусли, типик ва оч тусли бўз тупроқларнинг гумусига ва энергия захирасига жиддий таъсир кўрсатади. Типчалар доирасида гумус энергиясини кўрадиган бўлсак, тўқ туслидан оч туслига томон камайиб боради. Бу ҳолатни тупроқларни деярли ҳамма горизонтларида кўришимиз мумкин. Мисол учун суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларни 0-30 см қатламида гумус энергияси 41,7 ккал/г бўлган тақдирда, бу кўрсаткич бошқа суғориладиган бўз тупроқларида амалий жиҳатдан деярли икки баробар кам. Кутилганидек, тупроқ гумуси миқдори билан ундаги потенциал энергия ўртасида корреляцион боғланиш мавжуд. Қўриқ тупроқларда гумус билан потенциал энергия ўртасида боғланиш ижобий, яъни +0,44 алоқадорлик ўртача. Суғориладиган тупроқларда бу алоқадорлик яққол, яъни +0,83, ижобий ва кучли ҳисобланади.

Қўриқ ва суғориладиган бўз тупроқларни аминокислота таркиби. Оч тусли бўз тупроқларда аминокислоталар ўрганилганда уларнинг таркибида эркин аминокислоталарни 14-20 таси аниқланди ва идентификация қилинди. Қўриқ бўз тупроқларда одатда учрайдиган аминокислоталардан (Р-5): цистеин, гистидин, суғориладиган тупроқларда (Р-6) аланин, аспарагин кислота, глутамин кислота, цистеин ва гистидинларни (3-жадвал) мавжуд эмаслиги аниқланди. Бошқа бир қатор аминокислоталарда қизиқарли ҳолатлар кузатилди. Ароматик аминокислоталар гуруҳидан қўриқ ва суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг профилида гистидин йўқ бўлса, суғориладиган тупроқларда гистидиндан ташқари моноаминодикарбон кислоталар тоифасига кирувчи аспарагин кислота ва глутамин кислотаси кузатилмади.

Суғориладиган тупроқларда эркин тупроқ аминокислоталарини камайиши кузатилади. Қўриқ оч тусли бўз тупроқларда эркин тупроқ аминокислоталари ўртача 26,56 мг/кг, қатламларда бу кўрсаткич 5,83 дан 64,24 мг/кг оралиғида тебранади. Ушбу тупроқларда эркин аминокислоталар гуруҳларининг нисбий тақсимланиши қуйидаги кўринишга эга. Моноаминокарбон кислоталари: глицин, аланин, серин, треонин, метионин, валин, лейцин, изолейцин жамига нисбатан 35,5-46,11% ни ташкил қилган ҳолда умумий массаси 10,4 мг/кг бўлиб, турли қатламларда бу кўрсаткич 2,55-22,84 мг/кг миқдорларда тебранади. Моноаминодикарбон кислоталари: аспарагин кислотаси, аспарагин, глутамин кислотаси, глутамин миқдорлари умумийга нисбатан 35,53-45,04% бўлган тақдирда умумий массанинг 11,09 мг/кг, ҳар хил қатламларда 2,62-27,92 мг/кг оралиғида тебранади. Диаминмонокарбон кислоталари: лизин, аргинин 3,6-9,65% бўлиб, умумий массани 1,26 мг/кг ни ташкил этади. Бу кўрсаткич турли тупроқ қатларида

0,33-2,34 мг/кг. Ароматик аминокислоталар: фенилаланин, тирозин, триптофан 4,99-13,07% бўлиб, умумий массани 3,04 мг/кг ни ташкил қилади, ҳар хил қатламлардаги қиймати эса 0,33-8,22 мг/кг оралиғида.

3-жадвал.


Бўз тупроқларда эркин моноаминокарбон кислоталари ва имин кислотаси, мг/кг

| Чуқурлик, см | Моноаминокарбон кислоталари | | | | | | | | | Имин |
|---|-----------------------------|--------|-------|---------|---------|----------|-------|--------|-----------|--------|
| | Глицин | Аланин | Серин | Цистеин | Треонин | Метионин | Валин | Лейцин | Изолейцин | Пролин |
| Қўриқ оч тусли бўз тупроқ (кесма 5) | | | | | | | | | | |
| 0-5 | 1,66 | 0,67 | 0,52 | 0 | 17,2 | 1,71 | 0,65 | 0,16 | 0,28 | 2,91 |
| 5-22 | 1,11 | 0 | 0,42 | 0 | 9,74 | 0 | 0,36 | 0 | 0,23 | 0 |
| 22-43 | 0,97 | 0,11 | 0,38 | 0 | 2,35 | 0 | 0,29 | 0 | 0 | 0,28 |
| 43-89 | 0,79 | 0 | 0,3 | 0 | 1,34 | 0 | 0,12 | 0 | 0 | 0 |
| Суғориладиган оч тусли бўз тупроқ (кесма 6) | | | | | | | | | | |
| 0-36 | 1,33 | 0 | 0,59 | 0 | 17,6 | 0,42 | 0,93 | 0,32 | 0,27 | 1,07 |
| 36-42 | 0,85 | 0 | 0,26 | 0 | 10,2 | 0 | 0 | 0 | 0,12 | 0 |
| 42-86 | 0,79 | 0 | 0,24 | 0 | 6,64 | 0,67 | 0,08 | 0,26 | 0,35 | 0 |
| 86-113 | 0,72 | 0 | 0,19 | 0 | 5,72 | 0 | 0,07 | 0 | 0,31 | 0 |

Имино кислотасидан пролин эса умумий аминокислоталар миқдоридан 2,62-4,43% ни ташкил қилади. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда эркин аминокислоталарни йиғинди массаси 25,43 мг/кг. Ушбу тупроқларни ҳар хил қатламларида 12,15 дан 48,78 мг/кг гача тебранади. Бевосита аминокислотларнинг нисбий миқдорлари қуйидагича тартибда жойлашади.

Моноаминокарбон кислоталари: глицин, серин, треонин, метионин, валин, лейцин, изолейцин буларнинг миқдорлари умумийга нисбатан 43,92-60,04% бўлиб, жами массаси 12,23 мг/кг ҳар хил қатламларда 7,02 дан 21,42 мг/кг ни ташкил қилади. Моноаминдикарбон кислоталари: аспарагин, глутамин 24,45-45,62% бўлиб, 10,01 мг/кг ни ташкил қилади, тупроқ қатламларида 3,82-20,64 мг/кг оралиғида тебранади. Диаминмонокарбон кислоталари: лизин, аргинин миқдорлари умумийга нисбатан 2,58-5,86%, яппи массаси 1,16 мг/кг га тенг бўлиб, тупроқ қатламларидаги миқдорлари 0,47 мг/кг дан 2,62 мг/кг гача тебранади. Ароматик аминокислоталар: фенилаланин, тирозин, триптофан 6,18-8,64% бўлиб, жами массани 1,76 мг/кг ни ташкил қилади, турли тупроқ қатламларида 0,82-3,01 мг/кг, иминокислотадан пролин устки қатламларда аминокислоталарнинг умумий миқдорига нисбатан 2,19% ни ташкил қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, моноаминокарбон, моноаминдикарбон, диаминмонокарбон, ароматик ҳамда имино кислоталари суғориладиган бўз тупроқларда қўриқ тупроқларга нисбатан кўп (расм 1).

Қўриқ ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларнинг генетик қатламларида аминокислоталарнинг миқдорий ва сифат ўзгариш 4 ва 5-жадвалларда келтирилган бўлиб, унга кўра ушбу тупроқларда аминокислоталар миқдори ва сифати бир текисда эмас.



Расм 1. Оч тусли кўриқ ва суғориладиган бўз тупроқларда айрим аминокислоталар гуруҳлари, мг/кг.

Лекин тўқ тусли аминокислоталарнинг 0-7 см қатламида амалий жиҳатдан аминокислоталарнинг ҳаммаси, яъни 20 хил аминокислота ва пролин мавжуд. Моноаминокарбон кислоталаридан 0-7 см ли қатламда энг юқори миқдор треонинга тўғри келади ва у 15,5 мг/кг ни ташкил қилади. Энг кам миқдор валинга тўғри келади. Унинг миқдори эса 0,2 мг/кг.

4-жадвал.

Тупроқда эркин моноаминокарбон кислоталари, мг/кг

| Чуқурлик, см | Глицин | Аланин | Серин | Цистеин | Треонин | Метионин | Валин | Лейцин | Изолейцин | Сумма |
|---------------------------------------|--------|--------|-------|---------|---------|----------|-------|--------|-----------|-------|
| Кўриқ тўқ тусли бўз (кесма 1) | | | | | | | | | | |
| 0-7 | 1,61 | 0,79 | 0,29 | 0,53 | 15,5 | 1,46 | 0,202 | 4,03 | 3,64 | 28,05 |
| 7-17 | 1,019 | 0,838 | 0 | 0 | 5,46 | 0 | 0,382 | 2,693 | 1,628 | 12,02 |
| 17-43 | 1,114 | 0 | 0,18 | 0 | 6,38 | 0 | 0,196 | 0,129 | 0,543 | 8,542 |
| 43-73 | 0,851 | 0 | 0,11 | 0 | 7,18 | 0 | 0,364 | 0,226 | 0,181 | 8,912 |
| Суғориладиган тўқ тусли бўз (кесма 2) | | | | | | | | | | |
| 0-30 | 2,51 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0,26 | 0,28 | 3,05 |
| 30-42 | 0,62 | 0 | 0,14 | 0 | 6,21 | 0,32 | 0,07 | 1,05 | 0,25 | 8,66 |
| 42-70 | 0,83 | 0 | 0,44 | 0 | 4,74 | 0 | 0,07 | 0,3 | 0,45 | 6,83 |
| 70-100 | 0,65 | 0 | 0,25 | 0 | 1,62 | 0 | 0,06 | 0 | 0 | 2,58 |
| 100-135 | 0,45 | 0 | 0,07 | 0 | 1,08 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1,6 |

Моноаминдикарбон кислоталаридан глутамин юқори миқдорларни ташкил қилади. Ароматик аминокислоталар миқдори нисбатан юқори бўлиб 1,41-7,66 мг/кг ни ташкил қилади. Иккинчи (7-17 см), учинчи (17-43 см), тўртинчи (43-73 см)ли қатламларда аминокислоталар таркибида энг катта ўзгаришлар содир бўлади. Мисол учун глицин, аланин ва бошқаларни камайиши кузатилади. Чимли қатлам остидан бошланиб айрим аминокислоталар, умуман мавжуд бўлмайди. Булар қаторига цистеинни киритиш мумкин. Бундан ташқари, аксинча, тирозин, глутаминлар миқдори ортиб боради. Иллювиал карбонатли ва кейинги қатламларда гистидин, триптофан, фенилаланин, аргинин, метионин, цистеин ва аланинлар кузатилмайди. Треонин ва валин каби аминокислоталар қисман 7,18 мг/кг гача аккумуляцияланади. Келтирилган ўзгаришлар аминокислоталарнинг

